

Хитой Халқ Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги алоқалар ҳар томонлама тораба мустақам...

Марғилон шаҳри ҳудудида фуқароларга хизмат кўрсатувчи барча автобуслар шу йилнинг октябр охирига қадар...

Республикамизда жамоатчилик буюқ ўзбек шоири Боборҳим Машраб таваллудининг 350 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрмоқда...

ҲАМДУСТЛИКДА

17 майда Москвада Россия Президенти Борис Ельцин билан Вашингтонга расмий ташриф билан борётган Қозғистон Президенти Нурсултон Назарбаевнинг ахалий учрашуви бўлиб ўтди...

ХОРИЖДА

Россия Ташқи ишлар вазирлиги Андрей Козирев расмий ташриф билан Белградга келди...

Совет СССРининг собиқ Президенти Михаил Горбачевнинг иккинчи ўзининг ўрталарида Исронида Бириши кутубхонада...

Ташдан вадарлиги Сомали президенти Муҳаммад Сиад Баррега Нигерия вақтинчалик бошлана берди...

Мўғулстон президенти П. Ойриб Чингизхоннинг мамлакатининг миллий қаҳрамони ва фахри деб атади...

Ливия иқтисодининг раҳбари Муаммар Каддафи ливияликларини ўзларининг бозор иқтисодиёти моделини ишлаб чиқишга даъват этди...



Рузнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 97 (8.039) 1992 йил 19 май, сешанба Нархи 1 сўм

КУРУВЧИЛАР ҲИММАТИ

Ўқинг бир-икки йил ичда Миробод районда қатор кўп қаватли бинолар бунёд этилди...

Ҳозир ана шу бинода қурилиш-тиклаш ишлари жадал суръатларда олиб борилаётганда...

ТУЗТАЛАБ ҲИММЛИК

Ўзбекистон ўсимлиқчилик бўлими томонидан янги бир тажрибага эришилди...

КУЛАЙЛИК ЯРАТИЛДИ

Пойтахтнинг дағдиқ кенга даҳалардан бири — Бошлиқ даҳаси тораба кенгайиб, чирой очиб бормоқда...

«ТОШКЕНТ» КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК КОНЦЕРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ

КЕЛГУСИДА кичик ишбилармонликни ривожлантириш, маҳаллий ва иккинчи даражадаги...

Кичик тадбиркорлик концерни фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари, деб қуйидагилар белгиланди...



«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бirlашмасида қўли гул ишчилар кўлаб топилади...

ҚИСҚА ВАҚТ ИЧИДА

Норматив бoшчилик қилаётган бригад аъзолари амалга оширишмоқда...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РАДИОЭЛЕКТРОН, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИ ВА АСВОБОЗЛИК ҲАМДА НАМУНА КОНЦЕРНИНИНГ АЛОҲИДА НАМУНА КУРСАТГАН ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

- Тармоқдаги кўп йиллик ҳалол меҳнати, юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганига ва иқтисодий ҳаётдаги фаол иштироки учун...
Ивановский Константин Васильевич — «Фотон» ишлаб чиқариш бirlашмаси Тошкент электрон техника заводи буюрсининг бошлиғи...
Қазақов Борис Васильевич — Чирчиқ трансформатор заводининг трансформатор заводининг бошлиғи...

ҲАР БИР ОИЛАНING «ХОТИРА КИТОБИ»

ҲАР БИР ОИЛАнинг хотира китоби — бу оила тарихининг қўлдан келтирилган тарихидир...

Қадрли ва азиз муштарийлар

Subscription form for 'TOHKENT OQSHOMI' with fields for name, address, and payment details.



**Хозирги бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар ўз мақсулотларини ўтказишнинг ўзи бўлаётди. Чунки уларнинг нархи бир неча баробар ошиб кетди. Ана шу мақсулотларнинг харид қилиниши учун биринчи навбатда сифатга эътибор бериш керак бўлади. Бундан ташқари вақтда тушунган шахрнинг 2-й абзал фабрикаси бугунги кунда бу борада бир қатор ишларни амалда**

оширди. Бундан ташқари корхона ишчиси Галина Афанасьева ишхонада катта бўлаётди. Ишхонадаги у пойабзалларнинг усти қисмини сифатли тикнида маъсулятини ҳис қилган ҳолда ёндошди.

СУРАТДА: Галина Афанасьева ишхонада. Холмат Мирзакаримов сурати.

**1. БИЗДА ШУНДАЙ ОДАТ БОР...**

ҲА, одатларимиз, гўзал анъаналаримиз жуда кўп. Бироқ мен кейинги 60—70 йил давомида онгимизга ўрнашиб қолган, собиқ тузумимиздан ҳусусли сўз юртимокчимен.

Тошкент шаҳар Ҳокими ижроия маҳкамаси қорамалар комиссиясининг бош вазифаси тил тўғрисидаги Қонуннинг 24-моддасини амалга оширишди. Бу дегани шахримиздаги жойлар номини ўзгартиришда энг аввало тарихий атамаларни тиклашмиз, тарихий шахслар исмини абадийлаштиришимиз керак. Биз айнан шу йўлда бўлишда қарор қилдик. 1991 йил сентябр ойидан 1991 йил сентябр ойигача) ичида Яланч, Қўшбағи, Аллон, Қашкар, Чорсу каби ўндан ортқ тарихий жой атамалари, Имом ат-Термизий, Улугбек, Бобур, Ҳумоюн, Гўлбадербегим, Султонли Маъшадий, Маъмур Торобий, Аҳмад Яссавий каби элликдан ортқ тарихий шахслар исми тикланди, абадийлаштирилди.

Шу ўринда айрим рақамларга мурожаат этиш лозим. Биз илк фаолият бошлаган вақтимизда шахримиздаги кўчалардан уч юзга яқини «Откритий», «Западна», «Фигурная» каби ҳеч бир маъносиз номлари эди. 486 та кўча, мавзе, даҳа эса Кутузов, Иванов, Калинин, Б. Хмельницкий исми билан юритиларди. (Атиги 257 та кўча, жой эса Шарк, хусусан ўзбек халқи алломалари номида бўлган) Юзда, ортқ мактаблар ҳам Ленин, Пушкин, Николаев, Терешкова каби номларда эди. Бугунги кунга келиб, уч юзга яқин ҳеч бир маъносиз атамаларнинг деврили ҳаммаси халқимиз дили ва дидига мос номлар билан ўзгартирилди. Кутузов, Б. Хмельницкий, Ивановская, Калинин, Кирова каби ўнлаб ишлар кўча, мавзе, истироҳат боғларидан олиб ташланди. Сақсондан ортқ мактабларимизга эса ўзбек алломалари, танили санъаткорларимиз, хассос адибу олим, ўқитувчилар номи берилди. «Сельмаш», «ТЭ», «Фрунзе», «Луначарский» каби деҳшон бозорларининг тарихий «Паркент», «Асия» каби атамалари тикланди.

Усмон Носир, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўпон, М. Мирзакаримовдек истибод йиллари қурбонларининг номлари кўчаларга, мактабларга берилди.

Қонуннинг 24-моддаси ижроси учун белгиланган уч йиллик муддат октябр ойида тугаши бизга маълум. Шу давргача ўз режаларимизни амалга ошириш учун ҳарқат қилмоқдамиз. Бу борада йўлдамда муаммолар ҳам мавжуд. Шулардан бири айрим жойлардаги қамқорларимиз кўча номини ўзгартириш деганда фақат

• Тил тўғрисидаги Қонун қандай бажарилмақда?

**ИЖРО УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

Мақрулар номи билан аташни тушунаётганликларидир. Биз бу ҳақда аввалги чиқишларимизда ҳам айтдик. Жам бўлса, ана қайтарамиз. Мақрулар номини биргина кўча, маҳаллага бериб, хотирани абадийлаштиришни чеклаш керак эмас. Улар қанда китоб ёзиш, эски лавҳа ўрнатилиш, фильм яратиш билан ҳам хотирани абадийлаштириш мумкин. Жойларнинг энг аввало тарихий атамаларини тиклаш, тарихий шахсларнинг исми билан жойларга мослаш, ном тайинлик. Амр, дейлик, 50 йил колхоз раиси бўлган одамларга фақат ўша — чекланган ҳудуддаги одамларга таниқлар, аммо Темур Аалиев, Амир Темур, Алишери Қоғоний, Нодиробегим каби деҳшони бутун дунё билди. Тошкент — Ўзбекистоннинг қалби! Қалбимизга қаранг хоржилликлар, қардошлар бизнинг ўзалигимизни кўрсинлар. Ўзбекининг довуғини дунёга ёйган алломаларимиз номини абадийлаштириш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Биз ўз фаолиятимиз ҳақида матбуот, ойини жаҳон, радиозиттиришлар орқали азиз ҳамшаҳарларимизни ҳабадор этиб бормоқдамиз. Ўз ўрнида эса уларнинг масъулат, фикр-мулоҳазаларини ҳам эътибор билан ўрганишга бурчли эканлигимизни алоҳида таъкидлашим.

Энг муҳими «етти ўлаб, бир кесмоқ» зарур. Зеро, ҳар бир ўзгартиришда шайхонлик ошпирилади. Хозирги иқтисодий қийин бир даврга ҳар бир сўмини ўз ўрнига сарфламоқ шарт. Бугун бир номини бериб, эртасига бошқасига алмаштириш ҳам имодий, ҳам маънавий йўқотишдир. Кейинги ўн йил ичидаги ишона-шоярликлар ҳозирги кунда жуда қимматга тушаётганлигини алоҳида қайд этишимиз керак. Шунингдек, 5—6 талдан мактаблар Ленин, Пушкин, Чкалов, Горький номида юритилганлиги-ю уларни ўзгартириш учун кетган вақт, сарф-ҳажжатлар бизга маълум.

Комиссиямиз номига тавсия, тақлифлар билан мурожаат этиётган маҳаллар, ташкилотлар, ҳақиқат районлар ҳокимликлари юқоридagi фикрлар ҳақида чуқурак мулоҳаза қилиб, иш юритишлари жууда истаб эдик.

**2. ЯҚҚАЛАМ БЎЛҒУСИДИР!**

ҲАЗРАТ Низомиддин Мир Алишер Навоий:  
«Туркий назмда қи мен тортиб алам,  
Айладим бу мамлакатни яққалам!» —

деганлар. Узалигимизни англаб, қадриятларимизни таъкидлаган ҳозирги давримизда тилимизга давлат мақоми берилишини амалдорлар уауимга эргашиб деб баҳолаш мумкин. Бу борада шу кунгача қанча ютуққа эришган бўлса, ҳаммаси ўзимизники. Аммо муаммо, камчиликлар хусусида ошкора тўхталиш шарт.

Тилимиз давлат мақоми оланган бери ўтган давр ичида агар пойтахт мисолида олиб қа-

ралса, фақат ном бериш ишларини айтмасек, деврли ҳеч иш қилингани йўқ.

Тўғри, иш юритиш, тил ўрганиш учун 8 йил муддат белгиланган. Икки йилдан ортқ вақт ўтган бўлса-да бу борада катта-катта ҳажжатлар қилинди-ю, аммо сезиларли ўзгаришлар бўлмади. Шахримиздаги аксарият ташкилот, корхона, муассасаларда мутахассислар бўлими, хуқуқшунослар, молия—режа ишлари мутасаддилари орасида маҳаллий вакиллар жууда озчилик.

«Академиктоб» идораси раҳбарияти ҳатто ўзига қарошли тармоқлардаги пешлаҳаларини ҳанузгача давлат тилига ўтказмаган.

Милиция, адлия, прокуратура фаолиятида ҳам бу борада ўзгаришлар кам. Ваҳоланки, Қонун ижросида энг аввало ана шу соҳа кишилари ўртак бўлишлари керак эди.

Шаҳардаги аҳолининг асосий қисми ўзбек миллиятига мансуб бўлса-да, аксарият мактабгача тарбия масаналари фақат рус тилида иш олиб боради.

Турар жойларини тасарруф этувчи идора (ЖЭК)лар фаолиятида ҳам давлат тили амалиёти четга суриб қўйилган.

Трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасига тегишли воситаларда кейинги вақтларда рус тилидаги ишлар кўпайиб қолди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Ҳўш, нима қилиш керак! Тошкент шаҳар Ҳокимининг шу йил апрель ойидаги фармойиши билан давлат тили тўғрисидаги Қонун амалиётини назорат қилиш бизга — шаҳар атамалар комиссиясига юкланди. Шу боборбирида комиссия Низомини ва тарихини янгилади. Тил, адабиёт соҳасидаги олимлардан М. Муродов, И. Қўчқортоев, Х. Ҳоқиев, М. Зокиров комиссия таркибига киритилдилар. Шу кунларда мазкур Қонун ижроси билан боғлиқ зарур тадбирларни белгилоччи қарор лойиҳаси тайёрланди. Шу ойдан эътиборан комиссия аъзолари матбуот, ойини жаҳон, радиозиттириш вакиллари билан биргаликда ҳар ойда ишлардан ҳаққиди рақиқага ёв бўлаётганлар, Қонун ижросига панжа орасидан қараётганлар ҳақида ошкора ёзилади, кўрсатилади, номла-ном эшиттирилади. Лоқайдликни йўл қўйган мутасаддилар жазолачиландилар. Зеро, «Давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг 28-моддасида мазкур Қонун ижросига ҳар бир раҳбар ўз кўл остидаги ташкилот учун шахсан жавабгар эканлиги алоҳида белгилаб қўйилган. Қонун ўз номи билан ҚОНУН У бажарилиши шарт!

Дилмурод САИДОВ,

Тошкент шаҳар Ҳокими ижроия маҳкамаси қорамалар комиссиясининг маъсул котиби.

\* Ишбилармонлик—бозор талаби

**МАШИНАСОЗЛАРНИНГ ҚЎШИМЧА МАҚСУЛОТЛАРИ**

ҲОЗИР қайси бир корхона ёки ташкилотта борманг, ҳамма ерда бозор муносабатларига ўтишдаги қийинчиликларга дуч келасиз. Хом ашё таъинчилиги ёки қимматлиги сабабли кўп корхоналар тўлақонли ишлашмапти.

«Компрессор» заводига эса шу йилнинг турт ойи ичида шартнома мажбурияти юз фозизга бажарилиди. Ишлаб чиқариш режаси эса 101,9 фозизга адо этилган. Турт ой ичида жами 154 миллион 617 минг сўмлик мақсулот ишлаб чиқарилган.

Корхона бозор иқтисодиётининг энг қийин палласида бу курсаткиларга қандай қилиб ўришиди?

Бу саволимизга режа-ҳисоб бўлимининг бошлиғи Вячеслав Тер-Қаратаев шундай жавоб берди:

— Корхонанинг асосий мақсулоти компрессор станцияларидир. Мақсулотимиз турдош корхоналарнинг компрессорлари қараганда анча арзон. Мисол учун уларда бир компрессорнинг баҳоси 1 миллион сўм турадиган бўлса, бизда бу нарх ҳозир 240 мингга тақсир этмоқда. Шунинг учун ҳам мақсулотларимиз хариддор.

Лекин шунга қарамасдан ҳозирги қийинчиликлар бизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Масалан, шу турт ой ичида бир курсатки бўйича режамизни бажаролмай қолдик. У ҳам бўлса даромад режасидир. Сабаби бизнинг мақсулотларимизни сотиб олган баъзи бир корхоналар шу вақтгача бизнинг ҳисобимизга пул ўтказишмади.

Бундан ташқари ҳозир баъзи бир хом ашё мақсулотларининг баҳоси ноаниқ. Бир мисол. Илгарилари биз ишлатадиган битта электродвигателнинг баҳоси 3 минг 658 сўм туради. Ҳозир ана шу хом ашё учун 41 минг сўм талабимиз. Бироқ эртга бу моторларнинг қанча туриши ноаниқ. Ана шу мақсулоти корхонага Варнаулдаги Олтой матор заводи етказиб беради. Аммо улар билан шу йил етказиб бериладиган хом ашё учун тўла шартнома тузолганимизча йўқ.

Корхонанинг электр двигателларига бўлган бир йилги талаби 2150 дона бўлса, биз ҳозирча 1,5 мингга моторга шартнома тузганимиз ҳоло.

Лекин хом ашё йўқ ёки қиммат, деб ўтирганимиз йўқ. Завод иқтисодий иқтирозга учрамаслиги учун корхона ичида ширкат ёки кичик корхоналарни очишга зўр берилди. Ҳозирги кунда туртта шундай корхоналар ишлаб турибди. Утган йили заводнинг қўйи-қўйиш цехи ўрнида «Қотшимча» кичик корхонасини ишга туширилди. Бу корхона ҳозиргача 711 тонна ҳар хил металлдан тайёр мақсулот ишлаб чиқарди.

Кичик корхоналаримизнинг кўпчилиги асосан халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқармоқда. Булар ювенил хонаси учун кўзгулар йигмаси, чўнтак кўзгуси, даҳлиз кўзгулари ва бошқалардир. Ундан кейин ойнага 500 дондан энгил машиналарнинг олд томонидаги ойнаси ишлаб чиқариломоқда.

Ҳатто оғир санаатга мўлжалланган заводимизда яқинда эркаклар ва аёллар пойабзалларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бу корхонамиз қўшида ташкил топган «Азия» ширкатида. У матоларни тўқишни ҳам амалга оширади. Нелажакда тўқилган газомоллардан тайёр кийим-кечак ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишни мўлжаллаётимиз. Буларнинг ҳаммаси шахримизда халқ истеъмоли буюмларига бўлган эҳтиёжин қондириш учун қилинаётган ҳажжатлардир. Иккинчидан, бу усул билан эса бозор муносабатлари шартинда корхонада ишчиларни қисқартиришдан сақлаб қолаймиз.

Дарҳақиқат, ҳозир корхоналар ўртасидаги шартномалар бажарилмади, улар таназуулга юз тутаётган бир пайтда завод бозор иқтисодиёти қонунларини ўрганган ҳолда халқимиз учун керакли бўлган мақсулотларини ишлаб чиқармоқда. Шу тўғрисида корхона даромади йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Корхонада ишчи ва хизматчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун ҳам анча ишлар қилинди. Цехларда сауна, душхоналар, дам олиш хоналари бор. Бундан ташқари заводнинг механика йигув цехи ўзининг спорт залига эга. Унда теннис, оғир ва энгил атлетика, ва бошқа бўлимлар ишлаб турибди.

Ғулом ЮСУПОВ.

**СУСТКАШЛИКНИ ЁҚТИРМАЙДИ**

ДАВЛАТ ТИЛИ тўғрисидаги Қонун қабул қилинганича унинг бир неча лойиҳалари халқга ҳавола этилди. Муҳокамә жууда қизғин бўлди. Унда ўзини «ўзбек миллиятига мансуб» деган барча инсонлар фаол қатнашишди. Ниҳоят, Қонун бироз эътироз талаб моддалари бўлса ҳам, кўпчилик овоз билан Олий Кенгашда қабул қилинди. Унинг асосида жумҳурият Конституцияси 75-модда билан тўларилди. Қонунини кучга киритиш ва амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилинди, назорат кўлинига шовқинлар билан, дабдабалар билан бошланиб, ҳозирги кунга келиб, рўзнома ва бошқа матбуот ташкилотларининг ташвишланишига қарамасдан, деврли тўхтаб қолди. «Ҳеч ким суриштирмагандан кейин, унинг қимга керраги ҳам бор», — дейдиганлар кўпайиб қолди. Эсак, гапирсақ, расмийлаштирсак, ўзбек тилини билмайдиганлар қийналиб қолавермиш.

Собиқ Совет Иттифоқи перчаланиб кетди. Ўзбекистонимиз мустақил давлат бўлди. Наҳотки, мустақил миллий жумҳуриятда миллат рамаз, таъвақуриямиз қуролли — ўзбек тилига баферқликка йўл қўйилса! Тилининг соғлиғи, маъно аниқлиги, ўтирлиғи учун кураш маданият қуролли учун курашдир. Бу қурол қанчалик ўтир бўлса, қанчалик аниқ йўналтирилса, у шу қадар энгилмасдир. Нега энди тил ҳақидаги Қонуннинг өтөрлича бажарилаётганиги тўғрисида кўп айтибса ҳам, ёзилса ҳам, ўша камчиликлар тезда бартараф этилмайдми. Мутасаддиларнинг қўзи қайқай Метрогда нуқсонлар, адлия муассасаларига тегишли камчиликлар қачон тугатилди!

Юқордагиларини ҳисобга олиб Собиқ Совет Иттифоқининг йўқ бўлганлигини, жумҳуриятимиз мустақиллигини назорат тутиб барча қонунлар билан бирга, ўзбек тили ҳақидаги Қонуннинг барча моддалари бажарилиши қатъий назорат қилиниши керак. Оне тилимизнинг обрўсини, қадрини ошириш, уни билиш жумҳуриятдаги барча фуқароларга мажбурий бўлиши лозим. Унинг бажарилишини мунтазам назорат қилиш ва халқига ҳар уч ойда ҳисобот бериб туриш энг кичик раҳбардан тортиб, маҳаллий ҳокимларнинг бурчи бўлмоғи даркор.

Ҳамидулло ОМОНУЛЛО ўғли.

**«НАБИ ҒАНИЗОДА» ДЭБ АТАЛСА**

НАБИ Ғаниев миллий маданиятимизни ифтихори. У экранимиз довуруғини илк бор оламага таратди. Миллий киносанаъатимиз пойдеворига гишт қўйган, унинг истиқбол ҳақида қайғуриб шогирдлар тайёрлаган режиссар, драматург, актёр, кино ишлаб чиқариш ташкилотчиси бўлган бу донгдор инсоннинг номини абадийлаштириш интизида метро бекатларининг бирига унинг мўътабар исмини беришни тақлиф этимиз.

Мустақил жумҳуриятимизда қадриятларини тиклаш, ўтириш сиймоларини қадрлаш борасида қилинётган хайрли ишлардан мамнун бўлган ҳолда бу тақлифимизни рўзнома баҳасида чоп этишга қарор қилдик. Зеро, Наби Ғаниев биринчи мизга ажалмас дўст, инкнчимизга устоз, миллионлар учун эса «Рамазон» ва «Йигит», «Тоҳир ва Зухра» ҳамда «Наврийдиннинг саргузаштлари», «Оксалиш», «Фарғона қизин», «Фарғона вадийси» каби кино асарларининг инднокори сифатида азиз ва ардоқлидир.

Маллик ҚАЮМОВ, Шухрат АБВОСОВ, Халима НОСИРОВА, Галия ИЗМАЙЛОВА, Қомил ИШИҚ, Муҳтоз МУҲАМЕДОВ, Юлдаз РИЗАЕВА, Абдумулла АБДУЛЛАЕВ.

**ҲУСНИГА ЯРАШСА**

ЎЗБЕК тилимизга давлат мақоми берилганига икки йилдан ошмоқда. Ҳамон давлат идора, корхона, савдо шохобчаларида ўша, —шу рус тилидаги ёзувлар сақланиб қолмоқдаки, ҳарқат паст даражада. Ишонч ҳосил қилиш учун шахримизнинг ўнда кузатилиши мумкин. Аксарият жойларда иш юритиш қорозлари ҳамон рус тилида. Бу эътиборсизлик эмасми?

Рус гуруҳларидаги талабаларга ўзбек тилини ўргатиш шахримиздаги 24-хўна-техника билми юртида яхши йўлга қўйилган. Шунинг учун бу гуруҳларнинг талабалари ўзбек тилида ўқайлаётган турли кечалар ва тарбиявий соатларнинг машғулотларига катта қизиқиш билан қатнашмоқдалар. Ҳатто, билим юртининг Тания Мельникова, Ира Радикова, Артур Азария сингари рус гуруҳи талабалари «Нон — ризорўзимиз», «Тил бойлиги — эл бойлиги» мавзуларида ўзбек тилида ўқатилган тарбиявий соатларда қатнашиб, давлат тилини нечоғлик ўзлаштирганликларини намойиш этдилар.

Айни кунларда рус гуруҳларидаги талабалар «Гулла, яшна — мустақил Ўзбекистон» мавзуида ўқатилган очиқ тарбиявий соатга пухта тайёргарлик қўришапти. Бунда рус гуруҳлари талабаларига ўзбек тилини ўргатаётган муаллим Аниса Аъзамованинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Рус гуруҳларидаги талабаларнинг ўзбек тилини мукамал ўрганишида синфдан ташқари ўқатаётган тadbирларимиз катта ёрдәм беряпти, — дейди билим юрти директори Илхом Саъдиев. — Шунинг учун талабаларнинг олимлар, меҳнат ва уруш фахрийлари, халқ депутатлари билан

роҳат боғлари, маданият ўчоқлари ўзига ярашқили номи олсин. Жойлашган ўрнини, тарихини билдириб туришни лойим. Бўлар-бўлмаста ном қўйиш, ном талашда баъқаначиликдан, тавор тақдирчиликдан қочиб қетилсин. Мумтоз, широйин, маъноли номлар билан шахримизни беэаълий, овод ва чарогон қилайлик.

Анвар МИРЗАЕВ.



**ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЯЛАР!**  
**ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТўЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!**

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

**АЗИЗ ОБУНАЧИ УРТОҚЛАРИ**

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақасини сиёҳли рўчаларда ҳагосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиш талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлимлари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғалади.





# М. ТРЭВЕЛ

Ўрта Осиёдаги

«М • ТРЭВЕЛ»

номли йирик хусусий  
сайёҳлик фирмаси

Бутун жаҳонга машҳур «Интернэшнл Гэлф Уоллс Эст», «Ион Турс», «Аэротур», «Балтик Турс» ва бошқа фирмаларнинг доимий шериги ҳисобланади.

«М. Трэвел» ўзининг доимий ва янги мижозларига ўз фаолиятини қуйидаги янги манзилгоҳда давом эттиришини маълум қилади:  
**Навоий кўчаси, 16-«а» уй.**

Хизматимизга талабнинг тобора охиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда биз янги саёҳат йўналишларини тузди ва эскиларининг ҳам йўналишларини ўзгартирдик.

Йўналишларнинг янги дастурларини тузаётганда биз мижозларимизнинг барча хоҳиш-истакларини инобатга олишга ҳаракат қиламиз. Бизнинг йўналишларимиз бўйича саёҳатга чиқсангиз СИЗ:

- **ЖАҲОНГА ДОНҒИ КЕТГАН МАДАНИЯТ ЕДГОРЛИКЛАРИНИ КЎРИШИНГИЗ;**
- **ЭНГ ЯХШИ КУРОРТЛАРДА ВА ЧУМИЛИШ ЖОЯЛАРИДА ДАМ ОЛИШИНГИЗ;**
- **ТУРЛИ АЖОЙИБ МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИНИНГ ЛАЗЗАТИНИ ТАТИБ КЎРИШИНГИЗ ҲАМДА УЗИНГИЗНИ ЖАҲОНДАГИ ЭНГ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ**

**ИМКОНИАТИГА ЭГА ВЎЛАСИЗ**

Фақатгина бизнинг фирмамиз 2 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларнинг билан дам олишнингизни ташкил эта олади (ёш болалар учун 40—50 фойиз миқдорда имтиёз берилади).


«М. Трэвел» фирмасининг мижозлари саёҳат даврида 3—5 юлдузлик меҳмонхоналарда истиқомат қиладилар. Энг ҳашаматли рестороанларда тамадди қиладилар. Трансферлар учун кондиционерлар билан ниҳолланган автобуслар хизмат кўрсатади.

АГАРДА СИЗ СЎЛИМ ДЕНГИЗ СОҲИЛЛАРИДА ҲОРДИҚ ЧИҚАРИБ, ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ЕДГОРЛИКЛАРИНИ КЎРИШ НИЯТИДА ВЎЛСАНГИЗ

○ Санъат саройи

Навоий кўчаси

Навоий, 16	Навоий, 18
	Навоий, 16а
	"М.Трэвел"



**СИЗЛАР УЧУН ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ БЎИЛАБ ҚУЙИДАГИ САЕҲАТ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ТАҚЛИФ ЭТАМИЗ:**

- Италия (Рим, Пезаро, Сан-Марино республикасига экскурсия). 7 кунга. Баҳоси — 350 доллар + 27.930 сўм.
- Миср (Қоҳира, Александрия). 8 кунга. Баҳоси — 200 доллар + 27.930 сўм.
- Миср (Қоҳира, Порт Саид, Александрия). 7 кунга. Баҳоси — 220 доллар + 28.590 сўм.
- Кипр (Ларнака). 7 кунга. Баҳоси—215 доллар + 24.000 сўм.
- Кипр (Никосия). 7 кунга. Баҳоси—277 доллар + 24.000 сўм.
- Кипр (Лимассол). 7 кунга. Баҳоси — 227 доллар + 24.000 сўм.
- Испания (Салоу курорти). 7 кунга. Баҳоси—240 доллар + 37.000 сўм.
- Испания (Пальма де Майорка). 7 кунга. Баҳоси — 280 доллар + 37.000 сўм.
- Греция (Афина). 8 кунга. Баҳоси — 225 доллар + 24.000 сўм.
- Греция (Афинадан 50 километр масофада бўлган денгиз бўйида ҳордиқ чиқарилади). 8 кунга. Баҳоси — 250 доллар + 24.000 сўм.
- Греция (Афина). 8 кунга. Баҳоси — 145 доллар + 24.000 сўм.
- Греция (Салоники) 8 кунга. Баҳоси — 120 доллар + 24.000 сўм.
- Мабодо Сиз ҳар бир мусулмон учун азиз ва муқаддас бўлган анёратгоҳларга ташриф буюришни истасангиз ҳам ҳеч қандай муаммолар йўқ!

Саудия Арабистони (Макка, Мадина, Жидда) 8 кунга. Баҳоси — 350 доллар + 34.000 сўм. (Москва орқали училганда). Тошкентдан тўғридан-тўғри учини истасангиз эса 550 доллар + 54.000 сўм бўлади.

**БАЛКИ ХОРИЖДАГИ ГЎЗАЛ МАМЛАКАТЛАРДА САЕҲАТ ҚИЛИБ ДАМ ОЛИШ БИЛАН БИРГА БИЗНЕС БИЛАН ҲАМ ШУҒУЛЛАНМОҚЧИДИРСИЗ? УНДАЙ БЎЛСА МАРҲАМАТ!**

- Бирлашган Араб Амирликлари. 7 кунга. Баҳоси — 300 доллар + 15.340 сўм.
- Вьетнам (Вунг Тау). 8 кунга. Баҳоси — 235 доллар + 27.720 сўм.
- Шри Ланка (Коломбо, Негомбо, Канди, Лавиния). 8 кунга. Баҳоси Бангладеш (Дакка, Читтагонг). 8 кунга. Баҳоси 350 доллар + 265 доллар + 33.652 сўм.
- 32.663 сўм.
- Таиланд (Бангкок. Паттай соҳил бўйлари). 6 кунга. 330 доллар + 37.875 сўм.
- Шу ўринда Вьетнам, Шри Ланка, Бангладеш ва Таиландга саёҳатлар бизнес томонларини ҳисобга олганда жуда манfaatли эканлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бу ерларда сарфланадиган ҳар бир доллар 30 доллар фойда келтиради.
- Ҳиндистон (Дехли, Агра, Жайпур). Экзотик экскурсиялар. Жумладан, филларда ҳам саёр қилинади. 7 кунга. Баҳоси — 225 доллар + 24.625 сўм.
- Польша — Германия — Дания (Варшава, Берлин, Копенгаген, Оденсе). 8 кунга. Баҳоси — 190 доллар + 8.000 сўм.
- Финляндия (Хельсинки). 3 кунга. Баҳоси — 88 доллар + 18.690 сўм.
- Швеция (Стокгольм). 3 кунга. Баҳоси—120 доллар + 27.570 сўм.

**ГУРУҲ БЎЛИБ САЕҲАТ ҚИЛИШНИ ҲОҲЛАМАССИЗ?**

Ундай бўлса шаҳсан СИЗ ва СИЗнинг оилангиз учун юқорида тилга олинган барча йўналишлар бўйича, шунингдек Франция, Бельгия, Нидерландия, Люксембург, АҚШ, Непаи ва яна бошқа кўпгина мамлакатларга саёҳатга чиқиниғизни ташкил этамиз. Сиз фақат биз ташкил қилган меҳмонхоналардан қайсиюг жойлашиниғиз, қандай жойларга экскурсияга боришиниғизни танласангиз бас.

Шундай қилиб саёҳат қилиб мароғини дам оладиган мамлакатни танласангиз бас, қолган барча ишларни «М. Трэвел» фирмаси ўз бўйинга олади.

**Телефон 41-59-52  
Факс: 41-52-20**

**Агарда сиз «М•ТРЭВЕЛ» фирмасининг мижозси бўлсангиз бутун дунё сиз учун очиқдир.**



**МУАССИСЛАР:**  
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

**Тошкент оқшоми**

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:  
700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва яшанбадан ташқари ҳар кунини ўзбек тилида чиқади.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
қабулхона — 32-53-76,  
хатлар — 33-29-70,  
32-53-79;  
эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалаларини бўйича — 33-51-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғриликни учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашрийт-матбаачилик концерни, 700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўномаси кўчаси, 41.